



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2005 йил 14 декабрь, чоршанба

№ 99 (11.798)

Эркин нархда сотилади

2006 йил - Ҳомийлар ва шифокорлар йили

ДАХЛДОРЛИК

Одатда, давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг ҳар қандай тантанали маросим, катта анжуманлардан тортиб, ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги жиддий масалалар муҳокамасига бағишланган ийғинлардаги чиқишлари, нутқ ва маърузалари ҳар биримизни чуқур мушоҳада юритишга, теран фикрлашга ундайди.

Назаримда бунинг энг асосий сабаби теран дунёқарашнинг, куюнчак мулоҳазаларнинг ўзагида мана шу муқаддас заминда яшаётган захматкаш халқимизнинг

манфаатлари, кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари, фаровон турмуши хусусида қайғуриш, элга қайишгадек олижаноблик борлигидадир. Президентимизнинг рес-

публикаимиз Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини тинглаб, кўнглимдан шу ўйлар кечди. Юқоридаги иқоримнинг ҳақлигига эрталаб ишга кетаётиб, яна бир қарра амин бўлдим. Автобус ўриндиғида ёнма-ён ўтириб кетаётган икки ўрта ёшли аёлнинг сўхбати қулоққа чалинди. «Кеча телевизорда кўрдим-гизми, — дерди улардан бири Юртбошимизнинг ўша

қунги тантанадаги чиқишларига табиий йўсинда муносабат билдирар экан. — Ҳаммамизнинг ичимиздаги ни топиб айтдиларда. Сизу бизга ўшаган одамларнинг ҳаёти, ҳаммамизни ўйлантираётган муаммолар, қийинчиликлар, иллатларнинг барини билар эканлар, ҳали қураб, ҳаммамиз яхши бўлиб кетади...»

«Бугун юртимизда демократик давлат, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида амалга оширилаётган катта-катта ўзгаришларни нафақат ҳаётимизни четдан кузатадиган одамлар, ҳатто, ғанимларимиз ҳам инкор этолмайди, — дейди Юртбошимиз маърузасида. — Лекин, таассуф билан таъкидлаш лозимки, ана шу та-

рақийетга етишиш, олдимизга қўйган марраларга эришиш йўлида муаммолар, қийинчилик ва етишмовчиликлар, жойларда йўл қўйлаётган хато ва нуқсонлар, учраётган тўсиқ ва говлар, содир бўлаётган жиноятлар ҳақида ошқора гапириш, бу тўғрида одамларга ҳаққоний ва ҳолис ахборот етказиш биз ҳамон заиф бўлиб келмоқдамиз. Очигини айтганда, собиқ тузумга хос қолдик ва асоратлар барчамизнинг онгимизда ҳали бери сақланиб қолаётган эскича ёндошув ва қарашлар бунга асосий сабаб бўлмоқда».

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида қўлга киритилган оламшумул ютуқ ва муваффақиятлар билан ҳар қанча фахрлансак, ғурур-

(Давоми 2-бетда).

Ернинг эгаси эртага ким бўлади?

ФЕРМЕРНИНГ ОФИРИ ЕНГИЛ БЎЛАЯПТИ

Бундан икки йилча аввал, тахририятимиз жойлашган газеталар мажмуи биносининг қираверишида тасодифан бир нотаниш киши билан сўхбатлашиб қолгандим. Уни бир қўришдаёқ пудратчи ёки фермер бўлса керак, дея ўйладим. Қиёфаси ҳам, кийиниши ҳам, юриш-туриши, боринги, гап-сўзлари ҳам оддий кишлоқ кишиниси, танти деҳқонни эслатарди. У билан гаплашгач, тахминим тўғри чиқди.

— Бекободдан келгандим, — дея ҳасратини бошлагани нотаниш киши, — ҳўжалиқда меҳнат қилиб келаётганимга ўн йилдан ошди. Пудратчиман. Ўзимга тегишли майдонда баҳоли қудрат ишлаб, галла етиштириш шартнома режаларини уйдлаб келаялман. Ширкати-миз фермер ҳўжалиқларига айлантирилган бўлиб, тендер танловлари эълон қилинди. Узим деҳқончилик қилиб келаётган ерларга қонуний эга чиқиб, фермерга айланиш мақсадида танловда иштирок этдим. Аммо, ниятимга ета олмадим. Узоқ йиллардан бери қарамогимда бўлиб, кадрдон ўногимга айланган ерларимга ўроқда ҳам, машоқда ҳам кўринмайдиган одамлар эга чиқди. Улар бу танловда қандай қилиб ютиб чиқишганига ҳайронман. Мақсадларига қандайдир қинғир йўллар билан етишгани аниқ. Энг алам қиладигани, қошиқ улар шу ерларда ўзлари деҳқончилик қилишса, ҳар қарин тупроқнинг қадрига етишса? Ҳали кўрасиз, таниш-билиш, ошна-оғайнингчилик билан қўлга киритишган ерларни ўзлари хоҳлаган нархда деҳқонларга пулашади-да, беллари оғирмасдан нонни катта-катта тишлашаверади. Маҳаллий раҳбарларга тендер танловлари ноқонуний, ноҳолис бўлганини айтиб, бир неча бор мурожаат қилдик. Афсус, натижаси бўлмади. Мутасаддилар турли баҳоналарни қалаштиришди. Очиғи, ҳуқуқий томондан укувим йўқлиги панд берди. Ҳақимни қонуний талаб қила билмадим. Охир-оқибат журналистлардан наҳот излаб, шу ерга келдим. Зора, газетанинг аралашуви билан масала ҳолис ечимини топса...

масаласига бир қанча туманларда етарли эътибор берилмаётганини айтиш даркор. Таъкидлаш жоиз, бугун вилоятимизда фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, сессияда айтилган танқидий фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, масалага ҳаралла атрофлича ёндош, бу борадаги ҳар қандай муаммоларга барҳам бериш навабдаги устувор вазифа сифатида белгиланди. Хусусан, Президентимизнинг 2005 йил 8 ноябрдаги «2006 йилда кишлоқ ҳўжалиғи кооперативлари (ширкатлари)ни фермер ҳўжалиқларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан амалга оширилиши кўзда тутилган чора-тадбирларга кенг йўл очилмоқда. Вилоят ҳўқимининг маъзур қарор ижросини таъминлаш бўйича қабул қилган қароридан бу вазифалар атрофлича, кенг қўлам ва қаровда белгилаб қўйилди.

Келаси йил вилоятимизда 41 та зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли, истиқболсиз кишлоқ ҳўжалиқ кооперативлари тугатилиб, улар негизда бир нечта фермер ҳўжалиқлари тугилади. Шунингдек, янги ташкил топилган ҳўжалиқлар худудларида ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси барпо этилади. Хусусан, вилоят бўйича 2006 йилда янги ташкил этиладиган фермер ҳўжалиқларига хизмат кўрсатиш учун 23 та минибанк, 365 та ёқили-моилаш ашёлари, 31 та минерал ўғитлар ҳамда кишлоқ ҳўжалиқ маҳсулотларини сотиш шаҳобчалари ташкил этилиши кўзланган. Шу билан бирга 40 та мўқобил МТП, 23 та сувдан фойдаланувчилар уюшмаси (СФУ) тугилади. Яна бешта худудда зотли молларни сотиш ва зооветеринария хизматлари кўрсатуви шаҳобчалар ҳамда бешта ахборот таъминоти ва консалтинг марказлари юзага келади.

Фермерлар учун яратилган имконият ва қулайликлар қаровининг кенглиги, бу муҳим масалага бўлган эътиборнинг тобора кучаяётгани яхши, албатта. Бироқ, энг асосий масала бўлажак тендер танловларида қонунийлик, ошқоралик ва ҳолисликни таъминлашдир. Токи, энг муносибларига фермер деган шарафли номга сазовор бўлсин. Фаолиятдан ўзи ҳам, атрофдагилар ҳам наф кўрсин, ернинг умрини бекорга қўрмазсин.

Сирасини айтганда, Президент қарорида алоҳида қайд этилган масала ва вазифаларнинг барчаси тендер танловларининг қонунда белгиланган тартибда, ошқора, жамоатчилик қузатуви остида, адолатли ва ҳаққоний ўтказилишини таъминлашга, бунда бевосита тегишли мутасадди идоралар маъсулиятини оширишга қаратилган. Шунингдек, бу сафарги танловларда кишлоқ фуқаролар йиғинлари, оксоқоллар, фаоллар, кўпни кўрган, деҳқончиликда бой тажриба эгаллаган, тегишли ширкат ҳўжалиқлари вакиллари-дан тарқиб топган жамоатчилик кенгашилари тузилиши, танловларни ўтказиш жараёни ва якуний натижалар устидан назорат олиб боришлари белгиланган. Энди фермер бўлиш ҳаракатида юрганларга бемисл қулайликлар, имкониятлар яратилмоқда. Буларнинг ҳаммаси эртага ўзининг ижобий самарасини бериши шўҳасиз.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

Илғари хабар берганимиздек, Окқўргон туманидаги Олимпент пахта тозалаш корхонасида туқли ва туқсиз уруғлик чигит тайёрловчи цех иш бошлади. 2006 йил давомиде республикада 31 та ана шундай цехларни қуриб, ишга тушириш режалаштирилган.



ТАҚДИМОТ ВА МУЛОҚОТ



Бундай уруғлик чигит тайёрловчи цехлар Испаниянинг «Юмос» фирмасида ишлаб чиқарилган технологиялар билан жиҳозланади. Тендер асосида танланган ушбу фирманинг чигитни до-риловчи ускуналари ҳар та-

рафлама тусамли ҳамда самарали эканлиги аниқланган.

Олимпент пахта тозалаш корхонасидаги янги цех кунига 100 тонна чигитни қайта ишлаш қувватига эга бўлиб, бир неча туманни

ликнинг касалиқларига чалинишини қамайтиришдир. Шу кун Олимпент пахта тозалаш корхонасида 2006 йилги пахта ҳосили учун уруғлик тайёрлаш масалаларига бағишланган республика кўргамали худудий семинари бўлиб ўтди. Унда Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятларининг соҳага оид мутахассислари, бошқармалар, вазириятлар вакиллари иштирок этишди.

Семинарда 2006 йил ҳосили учун уруғлик тайёрлашдаги муаммолар, ғўза навларини тўғри жойлаштириш, шунингдек, ғўзани касалиқлардан сақлаш, элита уруғлик тайёрлаш марказлари фаолиятидаги ютуқ ва камчиликлар ҳамда уруғлик тайёрлашда назорат хизматининг аҳамияти қаби муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Семинар баҳс-мунозараларга бой бўлди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоблар олишди.

РАВШАН РУСТАМОВ.
СУРАТЛАРДА: цехнинг асосий биноси; дастлабки тайёрланган уруғлик қадоқланмоқда.

ХУСАНБОЙ АБВАЛОВ
ОСГАН СУРАТЛАР.

Бу ҳақда сессияда гапирилган эди

ТУЯГА ЧЎМИЧДА СУВ

«...Мен коммунал хизматларга тўловда қарзларнинг ўсиб боришида аҳоли айбдор, деган фикрга мутлақо қўшилмайман. Сабаби, тўловни тўғри йўлга қўйиш учун, аввало, шунга яраша хизмат қилиш керак. Узингиз ўйланг, кўрсатилган хизматнинг тайини бўлмаса, улар, йўлақлар таъмирланмаса, сув, иссиқлик энергияси, газ ва электр таъминотида узиллишлар бўлаверса, кимнинг ҳақ тўлагиси келади? Шундай ҳўжасиз-

лик туфайли неча йиллардан буён бу муаммо, афсуски, ўз ечимини топмапти... Биргина Ангрен шаҳрини оладиган бўлсак, бу ерда аҳолининг иссиқлик энергияси бўйича қарзи 2,4 миллион сўмга, электр энергияси бўйича 1,5 миллион сўмга, сув бўйича 24,2 миллион сўмга, эксплуатация тўловлари учун эса 31,5 миллион сўмга етгани бу ишларнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилганини тасдиқлайди».

тидан қарашларини ҳамон тушуниб етмагандим. Гап шундаки, юқорида кўрсатиб ўтилган қўчаларда неча йилдирки, ичимлик суви йўқ. Жўмрақлардан бир томчи суви тушишига зормиз...

Биз бу масалада бермаган идорамиз, олмаган эшигимиз қолмади. «Сувқола» корхонасига эса қатнашмайиб, чарчидик. Шаҳар ҳўқимининг шу масалага дахлдор амалдорларининг қабулхоналарида кутариб сабр қосамиз тўлди. Аммо, қуруқ ваъда-ю, йўлгон важдардан бўлак натижани кўрмадик. Улардан бир неча йилдан буён 2-3 та сув насоси сотиб олишга маблағ йўқ, деган баҳоналарни эшитдик, ҳолос...

...Маҳалларимизга сувини автоматинида олиб келишарди. Бу эса туяга чўмида сув

Юртбошимизнинг Халқ депутатлари вилоят кенгашининг навабатдан ташқари сессиясида қуюнчилик билан айтган ушбу сўзлари нақдлар тўғри эканлигига бугун ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Маърузада келтирилган мисол эса вилоятда аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш бўйича юзага келган ачинарли аҳвол асосли эканлигидан далолатдир.

Ушў, Ангрен шаҳрида юзага келган бундай ноҳуш аҳволнинг сабаби нимада? Коммунал хизматлар учун тўловлар нима учун шу даражада ўз ҳолига ташлаб қўйилган?

Уйлаймизки, Ангрендан тахририятга келган қуйидаги биргина мактуб масалага ойдинлик киритади. — Бир неча йилдирки, биз бир саволга жавоб тополмай-

бергандек гап эди. Аммо, шунингга ҳам шўкр қилиб юргандик. Бугун шу имкониятдан ҳам маҳрум бўлдик...

Хўш, бизнинг айбимиз нима? Кўриниб турибдики, Ангрен шаҳрида аҳолининг сувдан 24,2 миллион сўм қарздорлиги бежиз эмас.

Аҳолига ичимлик суви етказиб бериш ўз ҳолига ташлаб қўйилган бўлса, қандай қилиб улардан хизмат ҳақини талаб қилиш мумкин? Қолаверса, шаҳар раҳбарияти, мутасадди ташкилотлар аҳолининг арз-додига панжа ортдан қараб, «қорни тўқини қорни оч билан нима иши борм» зайлида иш тутишлари ҳам бу ерда нафақат коммунал тўловлардаги ҳўжасизлик, балки бошқа ижтимоий муносабатларнинг издан чиқишига сабаб бўлмоқда.

Уйлаймизки, юқоридаги муаммо юзасидан шаҳар мутасаддилари тегишли чораларни кўриб, аҳолининг оғирини енгил қилдилар.

РАВШАН ЁҚУБЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

САЁХАТДАН ҲАММА МАМНУН

Яқинда Зангиота кишлоқ фуқаролар йиғини ташаббуси билан фаоллар, кекса отахон ва онахонлар ал-Бухорий зиёратгоҳида бўлиб қайтдилар.

Кишлоқ аҳолиси учун ўртимиздаги муқаддас қадамжоларга сафар уюштириш анианага айланиб бормоқда. Жумладан, кишлоқ фуқаролар йиғини худудидида туртта мактабдан эллик нафардан зиёд фаол ҳамда аёлчи ўғил-қизларга шундай имконият яратилди. Бу гал ҳам етти маҳалладан 50 дан зиёд зиёратчилар саёхатдан катта таассурот билан қайтишди.

Бу эса аҳолининг тарихий меросимизга қизиқишини янада орттириб, маънавиятни юксалтиришга хизмат қилмоқда. Кишлоқ аҳли бундай қайри тadbирлар тез-тез уюштирилаётганигидан мамнун бўлишавтир.

Жамила АРСЛОНОВА.

Тошкентдаги Ўзбекистон-Япония инсон захираларини ривожлантириш марказида Халқорлик агентлиги (JICA) билан ҳамкорликда икки мамлакат урф-одатлари ва аъналарини, турли масалаларига оид фикрлар алмашиш имконини берган телекўприк ўтказилди.

ТЕЛЕКЎПРИК МАСОФА БИЛМАЙДИ

— Маъзур телекўприк қулоғи оғир ва қар одамларнинг иштирок этгани билан ҳам алоҳида эътиборга молик, — деди марказ директори Ясуши Инаба. — Бу тadbирни ташкил этиш ва уни амалга оширишда Умумяпония кар-соқовлар федерацияси яқиндан ёрдам берди.

Я. Инабанинг таъкидлашича, тadbирда сурдотаржима воситасида қатнашчилар ҳаётлари, ишлари ва ўзлари ёқтирган машғулотлари ҳақида гапириб беришди. Ҳар икки мамлакатдаги жисмоний имкониятлари чекланган бу инсонлар халқ ҳўжалигининг турли тармоқларида ўз иқтидорларини намойён этишмоқда.

Телекўприк икки соатдан кўпроқ вақт давом этди. «Туркистон-пресс».

ЮКСАК ФОТОГРАФИЯ САНЪАТИ

Пойтахтимиздаги Фото уйда очилган Тошкент халқаро фотобиенналееси – 2005нинг олти кўргазмасида намойиш этилатган асарлар ҳақиқат ва бадий тасаввурнинг ажойиб уйғунлиги, ранглар ва туйғулар фаввораси билан ажрлиб туради.

Асосий экспозиция учинчи Тошкент халқаро бадий фотография танлови якунларига кўра энг яхши деб топилган ишлардан ташкил топган. Бу танлов "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, республика Бадий академияси билан ҳамкорликда ташкил этилди ва илк бор бу йил Халқаро фотография санъати федерацияси (FIAP) ҳомийлигида ўтказилди.

Танловга дунёнинг 34 мамлакатидан 202 нафар муаллифининг 1000 дан ортиқ оқ-қора ва рангли фотосурати келиб тушди. Жорий йил мамлакатимизда "Сихат-саломатлик йили" деб эълон қилинган муносабати билан танловдаги икки номинациянинг бири шу мавзуга бағишланди, иккинчиси "Эркин" мавзу сифатида белгиланди. Ноябрь ойи охирида халқаро ҳайат ғолибларни эълон қилди. Мукофотлар мазкур кўргазманинг очилиш маросимидда топширилди.

ЎЗА

2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили

лансак арзийди. Юртимиздаги ижтимоий-иқтисодий муҳит тарихан жуда қисқа вақтда бу қадар шаклланиб, ривож топиб, барқарорлашиб бораётгани жаҳон миқёсида эътироф этилмоқда. Бу ёғига чор-атрофимизда учраб турадиган муаммоларнинг илдириш отишига, кенг-роқ тарқалишига йўл қўймасак, уларга нисбатан кёксин ва муросасиз кураша билсак, таъкидланганидек, лоқайдлик ва бепарволик асоратларидан бутунлай халос бўлиб, мамлакатимиз ҳамда атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга ҳамиша дахлдорлик ҳисси билан яшасак, бундан ўн чандон юксак чўққиларни, баланд марраларни ишғол қилишимиз ортикча изоҳ ёки исбот талаб қилмас керак.

Ўтаётган ҳар бир кун бизга янги — 2006 йилни тобора яқинлаштирмоқда. Бундай пайтларда якунига етаётган йил сарҳисда қилиниб, ютуқ ва муаммолар чамаланади, навбатдаги вазифалар белгилаб олинади. Шу маънода, ҳар йили Конституция кунимиз шодийнеларида поёнлаб бораётган йилимизга яна бир қўр ҳолис назар ташлаб, янги йилдаги хайрли мақсадлар ҳақида яхши ният билан гап бошланади.

Сирасини айтганда, 2005 йил мамлакатимиз ҳаётида муносиб из қолдираётди. Деярли ҳамма соҳа ва жаҳалларда арзирли натижаларга эришилгани, тараққиёт сари дадил қадамлар қўйилганидан кўпчилик яхши хабардор. «Сихат-саломатлик йили»-да инсон саломатлигини сақлаш, уни асраб-авайлаш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш учун беқиёс имконият ва қулайликлар яратиш йўлида амалга оширилган кенг камровли ишларимиз ҳақида ҳар қанча гапирсак оз. Айнан шу мақсадлар учун 165 миллиард 800 миллион сўм

(Давоми. Боши 1-бетда).

маблағ сарфланган. Аммо гап бунда ҳам эмас. Юртбошимизнинг куйидаги сўзларига эътибор беринг: «... агарки, «Сихат-саломатлик йили» бўйича қилган барча саяёҳаракатларимиз лоақал битта боланинг ҳаётини асраб қолишга, лоақал битта беморнинг шифо топишига хизмат қилган тақдирда ҳам биз 2005 йилга шундай ном бершимиз зарур, шарт эди, десам,

ладан, шундай деди: «Мен баъзан кўп жойларда саховатли, олийҳиммат юртдошларимиз, ҳеч кимга овоза ва ошкор қилмасдан, болалар уйлари, муҳтож оилаларга ёрдам бериб, ногиронлар ва ёлғиз кексалар муруват кўрсатиб юрганини эшитганда, беихтиёр қойил қолам.

Бундай савобли ишлар, очиги, ҳаммининг ҳам қўлидан келарвермай-

ДАХЛДОРЛИК

ўйламанки, сизлар ҳам бу фикрга қўшилисан. Биргина инсон тақдирига, унинг ҳаётига бутун мамлакат, эл-юрт даражасида кўрсатилаётган ҳурмат-эътибор, ғамхўрликнинг самимий ифодаси бўлган бу сўзларга қўшилмасликнинг, ҳақиқатан ҳам илож йўқ.

Ниҳоят, Президентимиз келаси йилга ном бериш хусусида фикр юритар экан, ўтган йилларнинг ҳаммаси ўзининг теран инсоний маъно ва фалсафаси, ижтимоий йўналиши билан ўзaro узвий боғлиқ бўлганлигини, йилга ном беришда, аввало, инсон ва унинг манфаатларини таъминлаш, ҳамиятимизда тинчлик ва осойишталик, меҳр-оқибат, инсонпарварлик муҳитини мустаҳкамлаш, кўпчиликини ўйлантираётган долзарб муаммоларни ҳал қилиш устувор вазифа сифатида белгилашни алоҳида таъкидлади. Юртбошимиз таълифига биноан кириб келаётган 2006 йил мамлакатимизда «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинди. Президентимиз бу таълифга изоҳ берар экан, жум-

ди. Бунинг учун одам қандай юксак фазилатлар соҳиб бўлиши керак экан. Шундан келиб чиқадиган бўлса, саховатли ва беғараз ҳомийларнинг қиладиган олижаноб ишлари инсон даражасида малҳам бўлиб, унинг ғаму ташвишларига шерик бўлиб яшайдиган шифокорлар фаолиги билан ҳар томонлама ҳамохан ва узвий боғлиқ кетганлигини тасаввур қилиш қийин эмас...

Дарҳақиқат, саховатпеша инсонларнинг эзгу амаллари қаторида умримиз мазмуни бўлган саломатлигимиз посбонларининг беминанат хизматлари ҳар қанча таҳсинга лойиқдир. Уларнинг ҳамиятга бераётган нафи ҳеч бир соҳа вакилиникидан ҳам эмаслиги уларга ҳам алоҳида ҳурмат-эътиром кўрсатиш, меҳнатларини қадрлаш, баҳосини бериш лозимлигини таъкидлади.

Шифокорлар учун яратилаётган янги имконият ва имтиёзлар, ҳусусан, улар меҳнатига ҳақ тўлашнинг эг самарали тамойиллари ҳаётга таътиқ этилаётгани бу борадаги амалий ҳаракатларнинг яна бир

ифодасидир. Келгуси йилда бундай хайрли вазифалар кўлами кенгайиши билан бирга давлатимиз эзгу ишларга саховат кўрсатиб, беғараз кўмагини аямайдиган ҳомийлар учун ҳам ҳуқуқий кафолатлар ва имтиёзлар яратиб беришни, уларни атрофлича қўллаб-қувватлаш, ҳамда рағбатлантириб боришни кўзда тулади. Юртбошимиз айнан шу масала асосларини белгилаб берувчи махсус низоми ишлаб чиқиш ва қабул қилиш таълифини ҳам ўртага ташлади.

Ўз-ўзидан маълумки, янги йилда одамларга ғамхўрлик кўрсатиш, меҳр-муруват улаштириш чинакам инсоний вазифалар кўлами янада кенгайди. Таъкидланганидек, табиатан ёки қандайдир сабабларга кўра, кўмак ва мақсадга муҳтож бўлган инсонларнинг ҳеч бири беэътибор қолмайди. Уларга ёрдам бериш, ғамхўрлик кўрсатишда давлат ва жамият бир ёқадан бош чиқариб, биргаликда ҳаракат қилиши таъминланади.

Муқтасар қилиб айтганда, давлатимиз, бевосита Президентимизнинг аввало инсон манфаатларини кўлаб қилаётган ғамхўрликларини эртага ўзининг тотли меваларини беришига шубҳа йўқ. Охир оқибат бундан барчамиз баҳраманд бўламиз, манфаат кўрамиз. Бинобарин, аллақачон бошланган, бугун эса янада авж олаётган хайрли тадбирлар ижросида барча бир сафда турмоғи зарур. Зеро, Юртбошимиз шу кун яна бир бора таъкидлаганларидек, шу муқаддас заминда яшайётган барча инсонлар — миллиати, тили ва динидан қатъи назар, Ўзбекистон — менинг ягона Ватаним, деб яшайдиган, белини маҳкам бошлаб, астойдил меҳнат қиладиган бўлса, бизни ҳеч қандай қуч енга олмайди. Юртимиз ва халқимиз ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди.

Шерали РАҲМАТУЛЛАЕВ.

Ёнгин хавфсизлиги ойлиги



ХУШЁРЛИК — ҲАММАМИЗНИНГ ИШИМИЗ

Бугунги кунда вилоятимизда янги қорхона, муассаса ва тураржой бинолари қурилишига катта эътибор берилмоқда. Айниқса, тураржой қурилиши жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Бу яхши, албатта. Лекин айрим ҳолларда қурилиш меъёр ва қоидаларига эид бўлган камчиликларга йўл қўйилмоқда, содир бўлган ёнгинлар бир уйдан иккинчисига ўтиб, жамоат ва аҳоли мулкига катта зарар етказмоқда.

Шу йилнинг 15 сентябрь кунини Бўстонлик тумани, Соғлиқ қишлоғи, Ҳамза кўчасида 10-йилда ёнгин содир бўлиб, қўшни уйга ҳам ўтиши оқибатида хонадонларнинг томи, шифти ва уй жиҳозлари ёниб кетди. Шунингдек, 25 октябрь кунини Зангиота тумани, Оқтепа қишлоғи С. Каримов кўчасида 10-йилда ҳам ёнгин содир бўлди. У қўшни 8-йилга ҳам ўтган.

Афсуски, ёнгиннинг бир уйдан бошқаларига ҳам ўтиб кетиш ҳолатлари вилоятимизнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам учраб турибди. Бундай кўнгилсиз ҳодисаларнинг келиб чиқишига асосий сабаб: уйлар орасида ёнгинга қарши ораликлар ва ёнгинга қарши деворлар бўлмаганлигидир.

Бу каби ёнгинларнинг олдини олиш мақсадида бир-бирига қўшиб қурилган қўшни томорқали ҳовли би-

ноларнинг ўртасига ёнгинга қарши сув билан таъминлаш, ёнгинга қарши сув қувурларига сув олгичлар ўрнатиш, ариқлар ва қаналарнинг ёнгин ўчириш ауловули сув оладиган махсус жойлар қуриш лозим. Бундан ташқари, автоуовлар юрайдиган кўчаларни тўсиб қўймаслик керак.

Халқимизда кўза кунда эмас, кунда кунда деган нақл бор. У беҳиз айтилмаган. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун қурилиш меъёрлари, ёнгин хавфсизлиги қоида ва талабларига қатъий риоя қилишимиз зарур. Шундангина биз ёнгинларнинг олдини олишга ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Жаҳонгир СОДИҚОВ,
вилоят ИИБ Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси муҳандиси.

Танловлар

Ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларни мамлакатимиздаги ҳуқуқий ислохотлар, амалга киритилаётган қонун ҳужжатлари, хусусан, бош Қомусимизнинг мазмун-моҳияти билан яқиндан таништириш таълим-тарбия соҳасининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

ЁШЛАР БАҲС ЮРИТДИЛАР



Кибрай туманидаги Қишлоқ аёлларини қўллаб-қувватлаш маркази ташаббуси билан Конституцияимизнинг 13 йиллигига бағишлаб ташкил этилган кўрик-танловда ёшларимиз бу борадаги билим ва кўникмаларини намойиш этдилар. Танловнинг тўрт шартли бўйича Тошкент туманининг Чўштепа қишлоғи Наврўз маҳалласи ўсмирларидан иборат «Мезон» ҳамда Кибрай молия-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи талабаларидан тузилган «Адолат» жамоаси ўзаро баҳс юритдилар.

Танловнинг ҳуқуқий мавзуларни камраб олган савол-

жавоб қисми, айниқса, муросасиз кечди. Жамоалар ҳар бир саволга ўз билим ва дунёқарашларидан келиб чиқиб, атрофича жавоб қайтардилар. Ҳаётда учраб турадиган нохуш иллатлар, қонунбузарликнинг аянчли оқибатлари, шунингдек, адолат ва ҳақиқатнинг ҳаммиша ғолиб келишини ўзида акс эттирган саҳна кўринишлари ҳам хайрат аъзолари ҳамда томошабинлар томонидан юқори баҳоланди. Жамоаларнинг эркин мавзу бўйича тайёрлаган дастурлари аънавий бадий-музикали меросимизга асосланганлиги билан кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

Самимий руҳда ўтган танлов якунига кўра Кибрай тумани ўсмирларининг «Адолат» жамоаси ғолиб, деб топилди. Жамоага ҳамда фаол иштирокчиларга танловга ҳомийлик қилган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси вилоят бўлимларининг эсдалик совғалари тортиқ этилди.

Ўз муҳбиримиз.

«КЕЛАЖАК ОВОЗИ» — СЕНИНГ ОВОЗИНГ

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» томонидан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда эълон қилинган янги «Келажак овози» мега-танлов истеъдодли ёшлар келажак учун ажойиб пойдевор вазифасини ўташига шубҳа йўқ.

Ушбу танловнинг мақсади ўсиб келаётган ёш авлоднинг мукаммал тарбиялаш, истеъдодларнинг билим чўққиларини ағаллашларига кўмаклашиш, улар учун моддий ва маънавий шарт-шароитлар яратиш, янги иқтидор қирраларини очиб, ёшлар орасида соғлом рақобат муҳитини вужудга келтиришга қаратилган. Ушбу танловнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда тасвирий, амалий, музикали санъат, бадий публицистика, ахборот-коммуникация технологиялари, меъморчилик ва дизайн, ижтимоий лойиҳалар ҳамда бизнес-режа номинациялари бўйича жами 130 нафар иқтидорли ёшлар қатнашибди.

Кўрик-танлов анча юқори савияда ўтказилди. Унинг шартлари, мезонлари ҳам анчайин жиддий бўлиб, иштирокчиларнинг кўплиги сараларнинг сарасини танлаб олишга имкон яратди. Якуни натижаларга кўра, тасвирий ва амалий санъат номинациясида Шоҳиста Назарова (Бўстонлик), Фаррух Қодиров (Урта-чирчиқ), Алия Нуриддинова

(Янгийўл тумани) ўз маҳоратларини намойиш этишди. Гулбахор Азимова, Шоира Охунжонова (Уртачирчиқ), Феруза Бердиева (Кибрай), Улдона Абдурахмонова (Охангарон тумани), Садоқат Дадаева (Паркент) бадий-публицистика йўналиши бўйича ғолиб бўлишди. Ахборот-коммуникация йўналиши бўйича Мирзабек Тошбоев (Бўка), Умид



Сарибобевлар (Ангрен) юқори баҳо олишди. Икки иштирокчи — Гулшод Ғоибова (Зангиота) ҳамда Лутфулла Тожиқулов (Чиноз) меъморчилик ва дизайн бўйича, ижтимоий лойи-



бўйича Дилшодбек Ҳусанов (Паркент), Жондорбек Қайирбеков (Юқоричирчиқ), Саодат Қўчқорова (Тошкент) юксак маҳорат кўрсатишди.

Ғолибларга «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашининг биринчи даражали дипломлари ҳамда эсдалик совғалари тақдим этилди. Улар танловнинг республика босқичига йўланма-ни қўлга киритишди.

**Хурида НАЗАРОВА,
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири,
СУРАТЛАРДА:** Танловдан ва тақдирлаш пайтидан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар

Германиянинг Фрайбург университетига Германия -Ўзбекистон илмий жамиятининг 2005 йилдаги фаолияти яқунларига бағишланган йигилиши бўлиб ўтди. Ушбу тадбир доирасида буюк бобоқолларимиз — соҳибқирон Амир Темури ҳаёти ва фаолияти ҳамда Абу Али Ибн Сино таваллудининг 1025 йиллигига бағишланган тақдимот маросимлари ўтказилди.

Фрайбург учрашуви

Фрайбург шаҳар маъмурияти ҳамда Германиядаги қатор олий ўқув юрталарининг профессор ва олимларини жамлаган мазкур учрашувда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ва Германия -Ўзбекистон илмий жамияти раиси, профессор П.Лаут сузга чиқиб, мамлакатимизда халқимизнинг кўна меросини тиклаш ва уни асраб-авайлаш борасида амалга оширилаётган кенг камровли ишларга юқори баҳо берди.

Триер университети профессори К.Пандер эса Амир Темури ҳаёти ва фаолиятига тўхталар экан, буюк бобоқолларимиз инсоният тарихи ва маданиятига катта ҳисса қўшган, улкан давлатга асос солган саркарда, дея эътироф этди. Шунингдек, Германияда олим Темурийлар даврида амалга оширилган беқиёс бунёдкорлик ишларига, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида барпо этилган бетакрор меъморий обидаларга алоҳида тўхталди.

Маҳмуд БОБОНАЗАРОВ,
«Жаҳон» АА.

Кичик қорхоналарда

«ЭНЕРГЕТИК»НИНГ УЛУШИ

«Энергетик» кичик қорхонаси Бекобод шаҳрида барпо этилган шундай туризмаларнинг тўнғичларида ҳисобланади. Унинг кичик жамоаси салкам ўн йилдан бери биноларини электрлаштириш, зарур ёритиш ускуналари билан жиҳозлаш ва монтаж ишларини олиб борапти. Бу соҳада унинг ўз ўрни ва улуши бор. Жамоа йил бошидан буён 222 миллион сўмлик иш бажарди. Соф фойда 2 миллион сўмдан кўпроқ бўлди. Ишчиларнинг моддий манфаатдорлиги ҳам сезиларли ошди.

Хозирга келиб, кичик қорхона шаҳардаги электр тармоғи ва бошқа йирик электрлаштириш қорхоналарининг энг яқин кўмақдоши ва ҳамкорига айланган. Йил давомида самарали иш олиб борган монтажчилар шаҳардаги 1, 5, 8, 11, 16-ўрта умумтаълим мактабларида олиб бориладиган капитал таъмирлаш ва қайта қуриш ишларида фаол қатнашиб, зиммаларидаги вазифаларини сифатли бажардилар. Шунингдек, шаҳардаги техника-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида ҳам шундай мураккаб юмушларни амалга оширишди.

Улар шартнома асосида иш олиб бориб, Бекобод тумани ҳудудида жойлашган мактабларда ҳам фаолият юритишмоқда. Чунонки, тумандаги 23-мактаб қурилишида қатнашиб, 17 миллион сўмлик монтаж ишларини бажаришди. Айни кунларда эса Зафардаги педагогика касб-ҳунар коллежи биносига 40 миллион сўмлик монтаж ишларини тугаллаш арафасида.

Яқинда фойдаланишга топширилган янги акusherлик мажмуасининг қад кўтаришига ҳам салмоқли ҳисса қўшдилар. Маъмура қурили-

шида 30 миллион сўмлик монтаж ишлари амалга оширилди. Кичик қорхонанинг Исроил Оқилов, Маҳмуд Алланазаров, Исмоил Эркабоев, Толиб Жўраев етакчилигидаги монтажчилар бригадаси меҳнати салмоқли бўляпти.

— Кичик қорхона бўлса-да, йирик қорхоналар эътиборида турганимиздан хурсандимиз, — дейди жамоа раҳбари Абдуҳалил Абдусатторов. — Авваламбор, бизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келаётган ва ишонч билан ҳамкорликчи қорлаётган «Ўзметкомбинат» АИБ раҳбариятидан миннатдоримиз. Биз Бекобод шаҳри ва туманида қурилаётган иншоотларда ўз меҳнатимиз билан фаол қатнашиб бораверамиз.

Дарҳақиқат, жамоада иш ўринлари кенгайиб, бугунга келиб, унда 35 нафар фуқаро меҳнат қилмоқда, иш шариоити яхшиланиб бормоқда. Қорхонанинг маъмурий биносини дид билан таъмирланди, ёш мутахассислар тайёрлашга катта эътибор берилаётган. Бу борада «Устоз-шогирд» аънаъсига амал қилиниб, ёш кадрлар таърибли мутахассисларга бириктирилган.

Ашурали БОЙМУРОДОВ.

Бу йил Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан хусусий секторни жадал ривожланиши, бунинг учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган бир қатор муҳим фармон ва қарорлар чиқарилди.

Бундан асосий мақсад назорат қиливчи органларнинг тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувини қатъий чеклаш, солиқ органларига тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини соддалаштириш, микрофирма ва кичик қорхоналар учун солиқ имтиёзлари ва преференцияларини кўпайтириш, тадбиркорлик субъектлари томонидан йўл қўйилган молиявий ҳуқуқбузарликлар учун қўйланадиган молиявий жавобгарлиқни эркинлаштириш, уларни депозит ҳисоб рақамларидаги нақд пуллари билан узулсиз таъминлаш, лицензия ва рухсатномалар бериш тизимини такомиллаштириш, ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишларини кескин қисқартиришдан иборатдир.

Бирок, тадбиркорлар орасида ўтказилган охириги сўровлар шунини кўрсатмоқда, ҳудудларда назорат қилувчи органларнинг айрим ҳодимлари томонидан тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашув ҳоллари кузатиляпти. Бунга тадбиркорлар ва назорат қилувчи органларнинг айрим ҳодимлари қабул қилинган ҳужжатлар билан яхши таниш эмаслиги, шунингдек, ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тўла билимаслиги сабаб бўлмоқда.

Тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя

қилинишини таъминлаш мақсадида республика ҳудудларида жамоатчилик кенгашлари ташкил этилди. Улар зиммасига Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони ва қарорларининг ижро этилиши устидан мониторинг олиб бориш, ҳўжа-

ТАДБИРКОРЛАР ВА НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ИДОРЛАР ҲОДИМЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

лик субъектларининг фаолиятига назорат органлари томонидан ноқонуний аралашув ҳолларини аниқлаш, давлат органларига, шу жумладан, Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашига муаммоларни ҳал этиш ва эркин тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитлар яратиш юзасидан тегишли тақлифлар тайёрлаш ва киритиш ва-

Ташкил этилган жамоатчилик кенгашининг маънаси: Тошкент шаҳри, Лисувон кўчаси, 4-даха, 64-уй. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг Тошкент вилояти бошқармаси қошида. Мурожаат қилиш учун телефонлар: 150-91-05, 150-91-06.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР! «Respublika Ko'chmas mulk birjasi Toshkent viloyati filiali»

Сизларни 2006 йил 17 январь соат 12.00 да «Respublika Ko'chmas mulk birjasi Toshkent viloyati filiali» савдолар залида ўтказиладиган навбатдаги очиқ аукцион савдоларига таклиф этади

Савдога қуйидагилар қўйилади:

- Бўстонлик тумани ҳокимияти томонидан мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш мақсадида яқка тартибда уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган:
 - Бўстонлик тумани, Чорбоғ шаҳарча фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 гектар бўлган 7 та ер майдони.
 - Ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 274 560 сўм.
 - Бўстонлик тумани, Чорбоғ шаҳарча фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган, сатҳи 0,0347 гектар бўлган ер майдони.
 - Бошланғич баҳоси – 238 181 сўм.
- «Kopiv» Узбек-Америка қўшма корхонасининг Устав жамғармасидаги асбоб-ускуналар

№	Асосий воситаларнинг номи	Умумий бошланғич баҳоси (сўм)
ВИНЦЕХ		
1	АППСЭРН 16-1-30 30 м3	1375054
2	АППСЭРН 16-1-30 30 м3	1328626
3	АППСЭРН 16-1-30 30 м3	1340831
СПИРТСКЛАД		
4	Резервуар мет.А9-9 КЭС (16364470)	4254762
5	Резервуар мет.А9-9 КЭС (16364470)	4254762
6	Резервуар мет.А9-9 КЭС (16364470)	4254762
7	Резервуар мет.А9-9 КЭС (16364470)	4254762
8	Резервуар мет.А9-9 КЭС (16364470)	4254762
9	Резервуар мет.А9-9 КЭС (16364470)	4254762
10	Резервуар мет.А9-9 КЭС (16364470)	4254762
11	Резервуар мет.А9-9 КЭС (16364470)	4254762
12	Резервуар мет.А9-9 КЭС (16364470)	4254762
13	Резервуар мет.А9-9 КЭС (16364470)	4254762
14	Резервуар мет.А9-9 КЭС (16364470)	4254762
15	Резервуар мет.А9-9 КЭС (16364470)	4254762
ТАРНАЯ БАЗА		
16	Бункер двухсекционный	83007
17	Дробилка ДДС-5105143	105143
18	Дробилка ДДС-5	105143
19	Дробилка ДДС-5	105143
20	Дробилка ДДС-3	105143
21	Моечная машина КУМ-1	110677
22	Моечная машина КУМ-1	110677
23	Пресс ВПШ-5	265624
24	Пресс ВПШ-5	265624
ГАРАЖ		
25	Контейнерно-заправочн.ст. 13600 л	1430181
26	Нефтерезервуар 16 м3	1186605
27	Бензоколонка	579324
Узел первичной обработки винограда		
28	Дробилка ЦГД-20	1207018
29	Пресс ВПО-20	1246007
30	Приемный бункер	1084143
31	Стекатель ВСН	1187162
Цех по изготовлению колпачков		
32	Автомат по изготовлению колпачков ВАК	2637745
33	Автомат по изготовлению колпачков	154824
34	Дробилка полипропилен	141764
35	Термогоставтомат ДЕ 330	808920
36	Установка компрессорная	207866
37	Электроцифровой счетчик пробок	154136
КОТЕЛЬНАЯ		
38	Дымосос ДН-11Д	219904
39	Котел ДЕ 10/13	3112368
40	Экономайзер ЭВ2-236	1023408
41	Холодильный компрессор	825300
ЦЕХ РОЗЛИВА		
42	Автомат для наклейки акцизных марок	1789485
43	Автомат розлива	1565381
44	Автомат укупорочный	1486823
45	Транспортер L= 10 мм	383995
46	Транспортер L= 7,5 мм	362996
47	Транспортер L= 7,5 мм	362996
48	Электронный счетчик бутылок	266310
49	Этикеточный автомат	1502558
ЕМКОСТИ		
50	Емкость ст.эм.V=2300 (20068005) 4 дона	6006801
51	Емкость ст.эм.V=2300 (20068005) 4 дона	6006801
52	Емкость ст.эм.V=20 (20627845) 3 дона	5363240
ВИНЦЕХ		
53	АПП СЭРН 16-1-30 30 м3 3 дона	1085558
Емкости узла первичной обработки		
54	Емкость ст.эм.50 (2 дона)	3689012
55	Емкость ст.эм.40	1781950
56	Емкость метал.50	703755
57	Емкость метал. 32 (5 дона)	3714262
58	Емкость ст.эм.15	1484809
59	Емкость вер.мет.2 (8 дона)	9690889
60	Емкость метал. 12 (7 дона)	9615313
61	Емкость метал. 25 (4 дона)	6326129
62	Емкость метал. 19 (5 дона)	7751815

3. «Биокиммё» очиқ акциядорлик жамиятининг Устав жамғармасидаги бино, иншоот ва асбоб-ускуналар

№	Инвентар рақами	Асбоб-ускуналарнинг номи	Ишга туширилган вақти	Бошланғич баҳоси (сўм)
1	5320	Аппарат 0101-0.1-0.6К	1999	2067300
2	8871	Вентилятор вытяжной	1970	326200
3	8872	Вентилятор вытяжной	1970	326200
4	5322	Выпарный аппарат 1 ст	2000	2124600
5	5323	Выпарный аппарат 2 ст	2000	2195430
6	1572	Двигатель 30 квт	2000	406540
7	5326	Дисператор	1993	62830
8	1169	Емкость ВЭП 2.1-0,025-0.6 к	1999	447400
9	1170	Емкость ВЭП 2.3-0,106-0.6 к d=700 мм	1999	1212960
10	1171	Емкость эмал.15 м3	2000	2742500
11	8858	Мерник 0,6 м3	1990	424440
12	8859	Мерник 0,6 м3	1990	424440
13	5329	Мерник для воды 2,5 м3	1992	53500
14	8864	Насос 5х6 с эл.дв 5,5 квт 2910 об/мин	1989	526400
15	5335	Насос К-100-80-160	2000	264500
16	8865	Насос НМШ 10 с эл.двиг. 3 квт 1000 об/м	1991	774420
17	5336	Насос НМШ 2-40-16	2000	151560
18	5340	Насос ХК-100-0-160	1991	398740
19	5334	Насос ШН-5К	2000	879450
20	1162	Сборник 7,5 м3	1992	834240
21	1163	Сборник накоп 2 м3	1992	417100
22	8862	Установка для крема	1992	315580
23	6026	Фильтр патронный кассетный	2000	1137550
24	5348	Экстрактор 3 м3	1992	730090
25	5349	Экстрактор 3 м3	1992	730090
26	5350	Экстрактор разг.1,5 м3	1992	521960
27	5170	Трубовозд. ТВ 175-1.6	1989	2784090
28	5171	Трубовозд. ТВ 175-1.6	1988	2784090
29	8853	Деконзатор 1 м3	2000	990090
30	8854	Деконзатор 1 м3	2000	990090
31	5337	Насос НРШ 5-3.7 квт	2000	45990
32	5338	Насос НРШ 5-3.7 квт	2000	45990

Сотувга қўйилган ер майдонлари сотилмаган тақдирда 2006 йил 24, 31 январь ва 7, 14, 21, 28 февраль кунлари соат 12.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига ўтказилади.
Ер майдонлари савдосида қатнашиш учун ариза қабул қилиш савдо кунидан уч кун олдин тўхтатилади.
Асбоб-ускуналар савдосида қатнашиш учун ариза қабул қилиш савдодан бир соат олдин тўхтатилади.
Аукцион савдоларида қатнашиш учун 10 фоизлик закат пулини қабул қилиш аукцион савдосидан бир соат олдин тўхтатилади.

«Respublika Ko'chmas mulk birjasi Toshkent viloyati filiali» Сизларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари билан хусусийлаштириш дастурига киритилган давлат қорхоналари, объектлари ва улушлари бўйича ҳафтанинг ҳар душанба, чоршанба, жума кунлари Республика Кўчмас мулк биржаси ва унинг бўлимларида ўтказиладиган марказлаштирилган электрон биржа савдоларига таклиф этади!

Савдоларга 2005 йил 16 декабрдан қуйидаги давлат объекти қўйилади:

- Зангиота туманида жойлашган «Ипак авто» МЧЖнинг 25 фоизлик давлат улуши.
Бошланғич баҳоси – 30591,4 АҚШ доллари (тўлов ЎЗР МБнинг сотув кундаги курси бўйича сўмда амалга оширилади).

Савдоларга 2005 йил 30 декабрдан қуйидаги давлат объектлари қўйилади:

- «Kopiv» Узбек-Америка қўшма корхонасига қарашли, Бўстонлик тумани, Ғазалкент шаҳри, Завод кўчаси, 48-уйда жойлашган, 1997 йилда ишга туширилган «Фирма дўкони» биноси.
Бошланғич баҳоси – 3 326 129 сўм.
- «Kopiv» Узбек-Америка қўшма корхонасига қарашли, Бўстонлик тумани, Ғазалкент шаҳри, Завод кўчаси, 48-уйда жойлашган, 1984 йилда ишга туширилган «Автогараж» биноси.
Бошланғич баҳоси – 3 995 295 сўм.
- «Биокиммё» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли, Янгийул шаҳри, Кимёгар кўчаси, 1-уйда жойлашган, 1978 йилда ишга туширилган «Маъмурий маиший корпус».
Бошланғич баҳоси – 58 895 210 сўм.
- «Биокиммё» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли, Янгийул шаҳри, Кимёгар кўчаси, 1-уйда жойлашган, 1966 йилда ишга туширилган «Ксилит цехи».
Бошланғич баҳоси – 40 724 000 сўм.
- «Биокиммё» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли, Янгийул шаҳри, Кимёгар кўчаси, 1-уйда жойлашган, 1992 йилда ишга туширилган «ТНП цехи» («Халқ хўжалиги моллари цехи»)
Бошланғич баҳоси – 48 052 640 сўм.

Имкониятингизни бой берманг!

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти. Телефонлар: 133-28-52, 133-77-18, 133-49-31, факс: 133-43-73.

ТУЗАТИШ: «Тошкент ҳақиқати» газетасининг 2005 йил 3 декабрь 96-сонидаги эълонда кўрсатилган:

- Бўстонлик тумани ҳокимиятига қарашли, Бўстонлик тумани, Бўстонлик қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган нотураржой биноси 2005 йил 19 декабрдан биржа савдоларига чиқарилади.
- Тошкент вилояти, Чиноз тумани, «Янгиобод» ёрдамчи хўжалигига қарашли 4-вагон уй, 5-вагон уй, 6-вагон уй, 7-вагон уй объектлари 2005 йил 23 декабрдан биржа савдоларига чиқарилади.

Бўстонлик туман суд ижрочилари бўлинмаси иш юритувида мавжуд бўлган Тошкент вилоят хўжалик судининг суд буйруғига асосан қарздор қорхоналарга тегишли бўлган қуйидаги

Автотранспорт русуми	Давлат рақами белгиси	Ишлаб чиқарилган йили	Автотранспорт ҳолати	Бошланғич нархи	Ўтказиладиган вақти
GA3-5202	11AF108	1975 йил	Носоз ҳолда	500000	14.01.06 й
GA3-5202	11AF116	1975 йил	Носоз ҳолда	250000	14.01.06 й
GA3-53	11AF120	1979 йил	Носоз ҳолда	700000	14.01.06 й
GA3-53	11AF121	1979 йил	Носоз ҳолда	800000	14.01.06 й
MM3-021	11AF111	1981 йил	Носоз ҳолда	800000	14.01.06 й
MM3-021	11AF114	1981 йил	Носоз ҳолда	1000000	14.01.06 й
Камаз-530	11AF113	1986 йил	Носоз ҳолда	1200000	14.01.06 й
GA3-53	11AL850	1987 йил	Носоз ҳолда	400000	14.01.06 й
GA3-5201	11AP837	1975 йил	Носоз ҳолда	500000	14.01.06 й
MM3-021	11AL744	1987 йил	Носоз ҳолда	1100000	14.01.06 й
MM3-021	11AL718	1986 йил	Носоз ҳолда	850000	14.01.06 й
GA3-5212	11AP832	1975 йил	Носоз ҳолда	500000	14.01.06 й
GA3-5201	11AP841	1979 йил	Носоз ҳолда	450000	14.01.06 й
GA3-5312	11AP828	1981 йил	Носоз ҳолда	500000	14.01.06 й

GA3-5312	11AP829	1981 йил	Носоз ҳолда	500000	14.01.06 й
Камаз-530	11AL861	1981 йил	Носоз ҳолда	1800000	14.01.06 й
ЗИЛ	11AP842	1985 йил	Носоз ҳолда	1500000	14.01.06 й
УАЗ-452 Д	11AP843	1985 йил	Носоз ҳолда	500000	14.01.06 й
ЗИЛ-157	11AP835	1974 йил	Носоз ҳолда	200000	14.01.06 й

автотранспорт воситалари қарзларини қоплаш мақсадида, кимшди савдоси орқали Тошкент шаҳри, Усмон Носир кўчаси, 93-уй биносидан сотилишни эълон қилади.
Кимшди савдосида қатнашувчилар диққатига!
Юқоридаги автотранспорт воситаларининг кимшди савдосида қатнашиш истагини билдирган юридик ва жисмоний шахслар ариза билан мурожаат этиб, автотранспорт воситасининг бошланғич нархидан 10 фоиз миқдордаги пулни тўлашлари шарт.
Аризаларни қабул қилиш кимшди савдоси ўтказилишига уч кун қолганда тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:
Тошкент шаҳри, Усмон Носир кўчаси, 93-уй.
Маълумот учун телефон: 152-73-43.

Ўйлаб топилмаган ҳикоялар

Ойла - улф, хонадон - муқаддас

Қаерда бўлмасин, ҳар сафар ота-онани улғувчи кўшиқ қулогимга чалинганда, кишлоғимиздаги бир хонадонда юз берган ноҳус воқеалар ёдимга тушаверади.

ҚУМҒОНБОБО ЯХШИ ОДАМ ЭДИ

Паст бўйли, ушқоқина бу киши тонг саҳардан то қоронги тушгунча, томорқасидан чиқмай ишларди.

Энди тезроқ масжидга бориб, бу гуноҳингни кечишини Яратгандан тила. Менинг эса сенга хусуматим йўқ...

Очигини айтсам, диний масалада мулоҳаза юришига, айниқса, хулоса чиқаришга оғирман. Аммо, «хусуматим йўқ» деган сўзни яхшиликнинг шарофати ёмонликнинг қасофати ўз ҳаётида кўп кўрган кишиларгина айтиши мумкинлигини кейинчалик англаб етдим.

Ҳаётда ҳар ким ўз фалсафаси билан яшайди дейишади. Қумғонбобонинг ҳам ўз яшаш тарзи бор эди. Доимо ўзи билан ўзи бўлиб, бировга зиёни тегмасди, ҳеч кимнинг дилини оғритмасди.

Аммо, «ҳар тўқисда бир айб» деганларидек, бобонинг ҳам бир қусури бор эди. Ҳафта-ўн кунда бир марта Қўйлик бозорига борарди. У ерда нима қилишини аниқ билмайдиган-у, аммо, кун пешиндан оғандан, ширақайф, худди тилла ёмби топиб олган одамдек, вақти чоғ қайтарди.

Иўк, табиат Қумғонбобони фарзанддан қисманган. Қизлари кўп, лекин ўғли — ёлғиз. Шу сабабли, бобо азалдан бола-жон. Айниқса, ўғил болаларни яхши кўради.

Ҳушхобарнинг қаноти бор деймиз-у, аммо шумхобар ҳам тез тарқаларкан. Кишлоқда дув-дув гап: «Самандар отасини урибди».

Қумғонбобо хонапишин бўлиб қолди. Остона ҳатлаб, кўчага чиқмай қўйди. Энди у, ҳатто, томорқасида ҳам кўринмасди. Супа хувиллаган, қумғон бир чеккада думалаб ётарди.

Ушанда танинг юраги жароҳатланган экан. Иўк, муштнинг зарбидан эмас, унинг ноҳўя кўтарилганидан, номуздан.

Қумғонбобони бутун кишлоқ сўнги йўлга кузатиб борди. Қабристонда «Фалончи қандай одам эди?» деган саволга «Яхши одам эди» деб жавоб берганлардан кўра «Жаннати одам эди» деганлар кўп бўлди.

Эсон ШУКУР. (Давоми бор).

АНТВЕРПЕНЛИКЛАР МУНОЖОТ ЙЎЛЧИЕВАНИ ОЛҚИШЛАШДИ

Бельгиянинг Антверпен шаҳрида Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева ҳамда Шавкат Мирзаев раҳбарлигидаги миллий чолғу ансамблининг концерти бўлиб ўтди.

Айтиш мумкинки, М. Йўлчиеванинг Бельгия бўйлаб маданий сафарда бўлиши яхши аънамага айланиб бормоқда.

пойтахти» ҳисобланмиш Гент шаҳрида маҳаллий санъат-севарлар унинг дилрабо кўшиқларидан баҳраманд бўлишган эди.

Маркази — Антверпен шаҳрида намойиш этилди. М. Йўлчиева репертуарининг асосини мумтоз ашула ва халқ кўшиқлари ташкил этди.

● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport

АЛПОМИШ АВОДЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ


Японияда қўл кураши (Армрестлинг) бўйича ўтказилган XXVII жаҳон чемпионатида мамлакатимиз спортчилари 8 та олтин, 3 та кумуш ва 7 та бронза медалини қўлга киритдилар.

Дунёнинг 38 мамлакат вакиллари иштирок этган ушбу мусобақаларда Ўзбекистон термаси энг кам сонли жамоалардан бири бўлди.

Фахрийлар, ўсмирлар, аёллар ва ногирон спортчилар ўртасида ўтказилган беллашуларда мамлакатимиз қўл кураши усталари иштирокидаги ҳар бир бахс томошабинларнинг алоҳида эътиборида бўлди.

Мусобақанинг дастлабки босқичларидан йўқотишларсиз ўтган юрдошимиз чорак финалда Япония армрестлинг юлдузи Ёшнобу Канаи билан беллашиб, ўзининг ҳақиқий Алпомиш авлоди эканини исбот этди.

«Жаҳон» АА Токио.



«ПАХТАКОР», «МАШЪАЛ» ҚИТЪА ЧЕМПИОНАТИДА

Осиё футбол конфедерацияси Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида 2006 йилги Осиё чемпионлиги лигасида иштирок этадиган 28 жамоанинг рақибларини аниқлаш учун қуръа ташлаш маросимини ўтказди.

Низомга кўра қитъамиздаги мамлакатлар чемпионлари ва кубок соҳиблари бу мусобақада иштирок этади. Жумладан, Ўзбекистон шарафини мамлакат чемпиони «Пахтакор» билан бирга Муборакнинг «Машъал» жамоаси ҳимоя қилади.

даги 14 та мамлакатдан иккитадан, жами 28 та жамоа ўзаро баҳс юритади.

Қуръа натижаларига кўра, етти та гуруҳ аниқланди. «А» гуруҳидан жой олган «Пахтакор», «Фулад» (Эрон), «Ал-Қодисия» (Қувейт), «Ал-Иттиҳод» (Сурия) жамоалари билан куч синашадиган бўлди.

Муслим Магомаев номидаги Озарбайжон давлат филармониясида Булбул номидаги учинчи вокалчилар халқаро танлови якунига етди.

БОКУДАГИ МУВАФФАҚИЯТ

Унда ҳакамлар ҳайъатининг бир овоздан қабул қилган қарорига кўра, ҳамюртимиз Абдумалик Абдуқайюмов голиб деб топилиб, танлов Гран-приси ҳамда 10 минг АҚШ доллари миқдоридagi пул мукофотига сазовор бўлди.

«Жаҳон» АА.

Германия — 2006: ГУРУҲЛАР ВА РАҚИБЛАР

Германия яшил майдонларига жаҳон оммасининг нигоҳи қадаладиган кунларга ҳам оз вақт қолди. Саралаш баҳслари якунланиб, жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган жамоалар ўз гуруҳларидаги рақибларини билиб олдилар.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, кейинги йили бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида илк бор иштирок этувчиларнинг сони анча ортди. Айниқса, бу кўрсаткич Қора қитъа вакилларида яқол сезилди.

- Демак, қуръа натижаларига кўра жамоалар гуруҳлардан қуйидагича жой олди: «А» — Германия, Коста-Рика, Польша, Эквадор «Б» — Англия, Парагвай, Тринидад ва Тобаго, Швеция «С» — Аргентина, Кот-д'Ивуар, Сербия ва Черногория, Голландия «Д» — Мексика, Эрон, Ангола, Португалия «Е» — Италия, Гана, АҚШ, Чехия «Ф» — Бразилия, Хорватия, Австралия, Япония «Г» — Франция, Швейцария, Корея, Того «Н» — Испания, Украина, Тунис, Саудия Арабистони



да. У «В» гуруҳида «Ал-Айн» (БАА), «Ал-Минаа» (Ирок), «Ал-Хилал» (Саудия Арабистони) жамоалари билан кураш олиб боради.

Осиё чемпионлиги лигаси баҳслари 8 март куни бошланади. Талъат ЮСУПОВ.

Шундан кейин



«Порше»нинг ошиғи олчи

Германиянинг спорт автотомашиналарини ишлаб чиқарувчи «Порше» компанияси тугаётган молиявий йилда даромадлари рекорд даражада, яъни 8,9 фоизга ошгани ва 1 миллиард 24 миллион долларга етганини маълум қилди.

«Волга» машинасига талаб камайди

Россияда яқин икки йил ичида «Волга» русумидаги автотомашиналарни ишлаб чиқаришни тўхтатиш мўлжалланмоқда. Айни чоғда «Волга» автотомашиналарини ишлаб чиқарувчи завод «Башков электор» инвестицион компанияси назорати остида.



порт воситаларидан бири сифатида хизмат қилди. Завод 1994 йилда хусусийлаштирилди ва янги русумдаги «Волга»ларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, аммо уларнинг деярли барчасига ГАЗ 24 «Волга» асос қилиб олинган.

«Zamonaviy o'qitish vositalari va axborot texnologiyalari» шўба корхонаси Тошкент шаҳри, М. Улугбек тумани, Пушкин кўчаси, 7-уйдан Яккасарой тумани, У. Носир кўчаси, 109-уйга кўчирилди.

Янги йўл туманидаги 15-ўрта мактаб томонидан Шокирхон Бахриев номига 2004 йилда 11-синфини тугатганлиги ҳақида берилган 1718074 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

2001 йилда Чиноз туманида яшовчи Подшевалова Валентина Константиновна номига берилган ТЛ серияли 003949 рақамли бино ва иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утеранный студенческий билет за № 45КТ379 выданный в 2005 году Университетом информационных технологий (быв. институт связи) на имя Гильманова Дамира Рифовича СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ Ташкентская правда

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Шалғоплар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-58-85, 136-53-54.

Манзилми: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририят компьютер марказида тўрилади ва сақланади.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.